

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РУЗИЕВА НОДИРА ХАКИМОВНА**

**ЭРТА ТУҒРУҚ ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ХОМИЛАДОРЛАРДА**  
**ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-**  
**ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Рўзиева Нодира Хакимовна**

Эрта туғруқ хавфи юқори бўлган хомиладорларда  
диагностика, даволаш ва профилактика  
чора-тадбирларини оптималлаштириш..... 3

**Рузиева Нодира Хакимовна**

Оптимизация диагностических, лечебных и  
профилактических мероприятий у беременных  
с риском преждевременных родов ..... 25

**Ruzieva Nodira Khakimovna**

Optimization of diagnostic, therapeutic and  
preventive measures in pregnant women  
with a risk of premature birth ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РУЗИЕВА НОДИРА ХАКИМОВНА**

**ЭРТА ТУҒРУҚ ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ХОМИЛАДОРЛАРДА**  
**ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-**  
**ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tib267 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиётинститутида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Пахомова Жанна Евгеньевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Арипов Абдумалик Нигматович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Алиева Дильфуза Абдуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчिताшқилот:</b>	<b>Н.И. Пирогов номидаги миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия)</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда муддатидан аввал туғруқ –она ва болани ҳимоя қилиш тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...эрта неонатал ўлим ҳолатининг 70% ва болалар ўлим ҳолатининг 75% етилмай туғилган чақалоқлар улушига тўғри келмоқда. Муддатидан аввал туғруқлар барча ҳомиладорликларнинг 5%дан 15%гача ҳолатида кузатилмоқда, бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда. Дунёда 15 миллионга яқин гўдақлар муддатидан аввал туғилади. Тахминан бир миллион бола ҳар йили муддатдан аввалги туғруқ асоратлари оқибатида нобуд бўлади. Муддатидан аввал туғруқларда перинатал ўлим ҳолати ўз муддатида рўй берадиган туғруққа нисбатан 33 мартаба юқори бўлмоқда»<sup>1</sup>. Аёлларда муддатидан аввал туғруқ ҳолатининг кўп учраши, ўз вақтида ташҳислаш, профилактика ва даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш долзарбмуаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳомиладорлик вақтида юзага келадиган асоратлар, жумладан муддатдан аввал туғруқ ҳавфиривожланиши, уни эрта босқичда ташҳислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада туғруқ муддатдан аввал бошланишининг ҳавф омилларини аниқлаш; ҳомиладорларда ичак ва қин микробиотасини аниқлаш; ҳомиладорликнинг нохуш оқибатларини баҳолаш; аёлларда эрта туғруқ ҳавфига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; касалликни ташҳислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; муддатдан аввал туғруқ ривожланиши предикторларини аниқлаш; қон ва сўлакда айрим биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; ҳомиладорларда эрта туғруқ ҳавфи фонида гемостазнинг айрим кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш; касалликни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, муддатдан аввал туғруқ ҳавфига қарши даволаш-профилактик тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [Базина М.И., 2014; Савельева Г.М., 2010, Мишутина О.С., 2013].

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳомиладорлик даврида келиб чиқадиган турли асоратларини олдини олиш, айниқса соғлом болалартуғилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, репродуктив ёшдаги аёлларда эрта туғруқ ҳавфини ташҳислаш, профилактика, ўз вақтида ҳомиладорлик давридаги асоратларни олдини олиш ва даволашга қаратилган.

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2017., <http://www.who.int/healthinfostatistics>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йилнинг 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Эрта туғруқ ҳавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Mississippi Medical Center (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Ankara University (Туркия), University of British Columbia (Канада), Россия ССВ академик В.И.Кулаков номидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия Федерацияси), Отт номидаги Санкт-Петербург институти (Россия Федерацияси), Instituto Nacional de Perinatologia Isidro Espino sadelos Reyes (Мексика), Weill Cornell Medical College (Англия), Monach University (Австралия), Казань тиббиёт институти (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида (Ўзбекистон Республикаси) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда муддатдан аввал туғруқ ҳавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш тадқиқотлари бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: пренатал асоратлар ривожланишида қонғомирлардаги эндотелиал дисфункция жараёни ва гемостаз тизимидаги кўрсаткичлардаги номутонасиблик аниқланган (University of Oxford, Англия; Harvard Medical School, АҚШ; Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада); ҳомиладорларда инфекцион касалликлар асорати муқаррар ҳолда пренатал ва антенатал асоратларга олиб келиши аниқланган (Melburne University, Австралия; Козон тиббиёт институти, Россия Федерацияси); ҳомиладорликнинг илк муддатларида ангиогенез кўрсаткичларининг пасайиши ҳомиланинг нобуд бўлиши патогенезида муҳим омил эканлиги исботланган (Xinxiahg Medical University, Хитой; Weill Cornell Medical

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, [www.washington.edu](http://www.washington.edu), <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uzva> бошқа манбалар.

College, Англия); эрта туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда коагулопатик бузилишларда АФС синдроми келиб чиқиши аниқланган (Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада; Instituto Nacionalde Perinatologia Isidro Espinosadelos Reyes, Мексика).

Бугунги кунда жаҳонда муддатдан аввал туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: туғруқ муддатдан аввал бошланиши қон-томирлар эндотелиал дисфункцияси ҳолатига боғлиқлигини аниқлаш; муддатдан аввал туғруқ хавфи юқори ҳомиладорларда қиндаги микробиотаси ҳолати таъсирини аниқлаш; ҳомиладорлар қин микрофлорасининг уларда муддатдан аввал туғруқ хавфи келиб чиқишига таъсирини аниқлаш; ҳомиладорликнинг нохуш оқибатларини ташхислашда биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; ҳомиладорларда эрта туғруқ хавфи бор аёлларда ирсий мойиллик мавжудлигини аниқлаш; муддатдан аввал туғруқ ривожланишини ташхисловчи предикторларини аниқлаш; қон ва сўлакда биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатидаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; ҳомиладорларда эрта туғруқ хавфи фонида гемостазнинг айрим кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш; муддатдан аввал туғруқ хавфига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларини, жумладан ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш, гистаминсиз пархез, эубиотиклар, макро ва микро элементлар тўпламини қўллаш билан такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда акушерлик ва гинекологиянинг энг муҳим муаммолари орасида ҳомиланинг муддатга етмасдан туғилиши муаммоси етакчи ўринда туриши таъкидланган (В.М. Сидельникова, 2016; У.Р. Хамадиянов., 2004). Ҳомиладорликни эрта тўхташи патогенезига катта эътибор қаратилмоқда ва унинг асосида янада самаралироқ патогенетик даволашни ўтказиш мумкинлиги таъкидланмоқда. А.В. Усова (2010) гестациянинг иккинчи триместрида цитокин статусини ўрганиб чиқди. Муаллиф IL-1, IL-6 миқдори ошиши ва ҳамда IL-4 миқдори пасайишини таъкидлаган. И.Е.Талантова ва муал. (2014) ҳомиладорлар периферик қонда IL-4 пасайишини, ҳамда туғруқ вақтида амниотик суюқликларда IL-8 миқдори ошишини аниқлаган. В.Н.Серов ва О.И.Сухорукова (2013) анамнестик маълумотлар ва қин рН-метрияси, муддатдан аввалги туғруқни ташхислаш учун Actim Partus тест-тизими ва кўғаноқ сувларининг муддатдан аввал тўқилишини ташхислаш учун Actim Prom тест-тизимини қўллаганлар.

Ҳозирда асоратланган акушер-гинекологик анамнезли ҳомиладор аёлларда муддатдан аввал туғруқнинг ривожланиш хавфларини аниқлашда ичак ва қин микробиотасининг биргаликда бузилиши билан кечувчи, клиник аломатларгача кузатиладиган мазкур мудҳиш асоратнинг ривожланишидаги предиктор аҳамиятга эга бўлган ташхислаш маркерларини аниқлашга бағишланган етарлича илмий тадқиқотлар мавжуд эмас, ваҳоланки, улар ёрдамида она ва болада содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб асоратларни

олдини олиш имкони бўлар эди. Шу муносабат билан муайян ва объектив кўрсаткичларга асосланиб, муддатдан аввал туғруқ ҳавфини янада аниқ башоратлаш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш амалиёти учун муддатдан аввал туғиш ҳавфи бўлган ҳомиладорларда сифатли, рационал, патогенетик асосланган ташхислаш, кузатиш ва профилактика қилиш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ДИТД01.980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари тақомиллаштириш» (2015-2020й) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эрта туғруқ ҳавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

эрта туғруқ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда даволаш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун муддатдан аввал туғруқ ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш;

муддатдан аввал туғруқларни башоратлаш ва индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш учун эрта туғруқ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда клиник анамнестик ҳавф омилларини аниқлаш;

муддатдан аввал туғруқ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда ичак ва қин микробиотасини аниқлаш;

муддатдан аввал туғруқ ривожланиши предикторларини аниқлаш учун қон ва сўлакда айрим биокимёвий, гормонал кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш;

муддатдан аввал туғруқлар генезида эндотелиал дисфункция ва гемостаз тизимининг томир-ҳужайра бўғини фаолиятини аниқлаш;

муддатдан аввал туғруқ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда цитокинлар миқдорива гуморал иммунитет ҳолатини баҳолаш;

туғруқ асоратлари ривожланиш ҳавфини комплекс баҳолашда муддатдан аввал туғруқ ҳавфининг турли предикторларини аниқлаш;

муддатдан аввал туғруқни башоратлаш ва профилактикаси бўйича индивидуал комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш ва уни эрта туғруқ ҳавфида самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2018 йилларда Тошкент шаҳар 6-сонли туғруқ комплексида назоратда бўлган 800 нафар ҳомиладорлар касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили ва 388 нафар муддатдан аввал туғруқ ҳавфи бўлган ҳомиладор аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби биокимёвий, гормонал ва иммунологик таҳлиллар учун ҳамда қин ва ичак ажралмаси



бактериологик таҳлиллар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, бактериологик, биокимёвий, гемостазиологик, гормонал, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор мудатдан аввал туғруқ ҳавфи бор ҳомиладорларда сурункали касалликлари мавжудлиги, овқатланиш туркумини бузилиши натижасида ичак ва қин микрофлорасидаги сапрофит (*Lactobacterium*, *Bifidobacterium*) ва шартли патоген (*Ebacteria* ва *Prevotella*, *Peptostreptococcus*) микроблар миқдорининг нисбатини ўзгариши барвақт туғруққа олиб келиши аниқланган;

илк бор мудатдан аввал туғруқ ҳавфи мавжуд ҳомиладорларда инфекцион агент таъсирида эндотелиал хужайралар фаолиятининг бузилиши қон зардобиди адгезия пептидлари (*sVCAM-1*, *sP-селектин*, *неоптерин*) миқдорининг ортиши билан пропорционал равишда антикоагулянтлар (*АТ-III*) миқдорининг камайиши тромбофилик ҳолатлар ва тромботик асоратлар ривожланишига сабаб бўлиши исботланган;

мудатдан аввал туғруқ ҳавфи бор ҳомиладорларда ичак дисбактериози сабабли қонда липополисахаридлар ва церуллоплазмин миқдорининг ортиши ҳамда қин ва ичак микрофлораси муҳитида диаминооксидаза фаоллигининг пасайиши организмда эндотоксемия ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган;

юқори ҳавф гуруҳига кирувчи ҳомиладорларда сурункали инфекцион омиллар яллиғланишга хос цитокинлар (*IL-6*) миқдорининг ортиши ва яллиғланишга қарши (*IL-10*) цитокинлар миқдорининг пропорционал камайиши билан боғлиқ тизимли яллиғланиш жараёнини келтириб чиқариши аниқланган;

илк бор ҳомиладор аёлларда эндотоксемия натижасида сўлакда прогестеронни эстрадиол гормонига нисбат кўрсаткичининг меъёрга нисбатан ишонарли камайиши муддатдан аввал туғруқ жараёнининг бошланишига сабаб бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда мужассам:

ҳомиладорларда муддатдан аввал туғруқ ҳавфини клиник, микробиологик, иммунологик ва гормонал тадқиқотлар ёрдамида башоратлаш имкони исботланган;

ҳомиладорликни индивидуал ёндашган ҳолда олиб боришга имконият берувчи муддатдан аввал туғруқ ҳавфи омилларини нисбий, ўрта ва юқори даражалари тавсия этилган;

муддатдан аввал туғруқ ҳавфи юқори бўлган ҳомиладорликни ташхислашда аёллар сўлагиди прогестероннинг эстрадиолга нисбатини аниқлаш асосланган;

муддатдан аввал туғруқни башоратлаш ва профилактика чоратадбирлари ишлаб чиқилган ва уни эрта туғруқ ҳавфида самарадорлигини баҳоланган;

муддатдан аввал туғруқ хавфи бўлган ҳомиладорларни ташхислаш, олиб боришнинг индивидуал ёндашуви ва профилактик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эрта туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, муддатдан аввал туғруқ хавфи бор ҳомиладорлар ичак ва қин микробиотасидаги ўзгаришлар, эндотелиал дисфункция ривожланиши, эрувчан адгезия молекулалари (sVCAM-1, sP-селектин, неоптерин) ва эндотелий апоптози омили (аннексин А-5) миқдорларининг ортиши, табиий антикоагулянтлар (АТ-III) миқдори камайиши билан D-димер миқдорининг кескин ортиши, иммунологик ўзгаришларни аниқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туғруқ хавфини клиник, микробиологик, иммунологик ва гормонал тадқиқотлар ёрдамида башоратлаш имкони, муддатдан аввал туғруқ хавфи омилларини нисбий, ўрта ва юқори даражалари тавсия этилгани, аёллар сўлагида прогестероннинг эстрадиолга нисбатини аниқлаш асосланганлиги, муддатдан аввал туғруқ хавфи бўлган ҳомиладорларни текшириш, олиб боришнинг индивидуал ёндашуви ва профилактик даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги акушерлик ва перинатал асоратлар сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эрта туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гипергомоцистеинемиядаги муддатдан аввал туғруқ профилактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 8н-р/134-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси ташхислашда умумклиник ўзгаришларни аниқлаш, ташхислаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Муддатдан аввал туғруқ хавфининг янги биокимёвий ва иммунологик маркерлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 8н-р/140-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий тавсияномаси эрта туғруқ хавфи ривожланишига олиб келувчи янги маркерларини аниқлаш, юзага келиши мумкин асоратларни башорат қилиш ва хавф гуруҳини аниқлаш ва профилактика чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Гистидинсиз пархез билан муддатдан аввал туғруқнинг профилактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 8н-р/141-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси эрта туғруқ хавфи бор гуруҳларида ошқозон-ичак касалликларини аниқлаш, уларда гистидинсиз пархезни қўллаш, ва ушбу ҳолатлар клиникасида келиб чиқадиган асоратларини олдини олиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга хизмат қилган;

эрта туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика перинатал маркази, Хоразм ва Андижон вилоят перинатал марказлари амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-р/141-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали муддатидан жуда эрта ва спонтан бошланиши мумкин бўлган туғруқлар ривожланишини хавфини камайтириш, ҳомиладорлик даврини узайтириш ва олиб бориш тактикасини такомиллаштириш ва касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олти та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 162 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Муддатдан аввалги туғруқ ривожланиш патогенези ҳақида замонавий қарашлар» деб номланган биринчи бобида назарий мезонлар таҳлил қилинди ва муддатдан аввалги туғруқ патогенези асосий бўғинларига бағишланган тадқиқотлар, шунингдек, ҳомиладорликнинг ўсмай қолиш ҳолларини башоратлаш ва олдини олиш бўйича ечимсиз масалалар тизимлаштирилди.

Диссертациянинг «Назоратда бўлган ҳомиладорларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланганикинчи бобида клиник материалнинг тавсифи келтирилган ва тадқиқот услублари ва қўлланган ташхис ва профилактика услублари баён этилган. Иш 2016-2018 йиллар оралиғида Тошкент шаҳрининг 6-сон туғруқ акушерлик комплексига келган ретроспектив (800 та туғруқ тарихи) ва проспектив (388 туғруқ тарихи) ва ҳомиладорларнинг комплекс текшируви ва даволаши натижаларига асосланган.

Ҳавф омилларининг аниқлаш учун 800 та туғруқ тарихлари ретроспектив таҳлил қилинди, улардан 400 та муддатдан аввал бошланган туғруқлар бўлса, яна 400 та муддатдаги туғруқлар бўлди. Натижада муддатдан аввал туғруқ бошланишининг учта ҳавф гуруҳлари ажратилди: юқори, ўрта ва паст ҳавф гуруҳлари.

Бизнинг проспектив кузатувимиз остида 388 та ҳомиладор бўлди. Асосий гуруҳ ичак микробиотасининг бузилиши ва қин дисбиози бўлган 244 нафар ҳомиладордан иборат бўлди, улардан 1-гуруҳида паст ҳавф омиллари бўлган 57 нафар аёлдан ташкил топди, 2-гуруҳ ўрта ҳавф омиллари бўлган 92 нафар аёлдан иборат бўлди, 3-гуруҳ юқори ҳавф омиллари бўлган 95 нафар ҳомиладор аёллардан ташкил топди. Қиёсий гуруҳ муддатдан аввал туғруқ ҳавфи бўлган 120 нафар ҳомиладордан иборат бўлди.

Ташхис ҳомиладор аёл шикоятлари, клиник-биокимёвий тадқиқотдан иборат комплекс текширув, терапевт ва гастроэнтеролог ҳулосаларига биноан қўйилди. Муддатдан аввалги туғруқнинг ҳавфи бўлган ҳомиладор аёлларни текшириш давомида гистидин ва гистаминнинг юқори миқдорини жамлаган озиқ-овқатларни хазм қилолмаслик ҳолати каби клиник аломатлар аниқланди. Бунда, гистидин ва гистаминнинг юқори миқдорини жамлаган маҳсулотни истеъмол қилишда юзага келадиган энг кўп учрайдиган симптомлар ичак дисбиози ва тери қичиши.

Муддатдан аввалги туғруқ ҳавфи мавжуд/мавжуд эмаслигини аниқлаштириш учун трансвагинал УТТ ва бачадон бўйни узунлигини ўлчанди, бўйин-қин ажралмаларида ҳомила фибронектини аниқланди. Ижобий натижа текширув гуруҳига қўшмаслик учун мезон бўлиб хизмат қилди.

Қин ва ичак биоценозининг бактериологик текшируви Грам бўйича бўёқли ранг микроскопиясида ўтказилди, дисбиоз даражаси Мавзютов А.Р. ва муаллифдошлари (2001) таклиф этган мезонлар бўйича аниқланди. Кейинги навбатда микробиоценоз миқдорий таҳлили билан биргаликда бактериологик экиш амалга оширилди.

Эндотоксинемия даражаси ва антиэндотоксин иммунитет ҳолатини баҳолаш учун қон плазмасида липополисахарид (LPS) концентрацияси аниқланди. LPS даражасини аниқлаш учун якуний нуқта бўйлаб Biotechnology (Голландия) маҳсулоти бўлган тест-тизим орқали хромоген ЛАЛ-услуг (Limulus Амебоцитлари Лизати) қўлланди. Қон зардобида LPS соге-худудига одам IgG си миқдорини аниқлаш тадқиқоти «HUMAN» фирмасининг тўплами ёрдамида иммунофермент услуги орқали аниқланди.

sP-селектин ва sVCAM-1 адгезия эрувчан хужайраларининг қон зардобидаги миқдори ва неоптериннинг концентрацияси “БиоХимМарк” (Россия) тест-тизимини қўллаган ҳолда иммунофермент таҳлили (ELISA) услуги ёрдамида аниқланди. Диаминоксидаза (ДАО) нинг қон зардобидаги концентрацияси COBAS-411 (ROSH) иммунофермент анализаторида иммунофермент услуги орқали аниқланди. Гистамин текшируви NaOH ва NaCl иштирокида (АК ни боғлаш учун) кислотага реэкстракцияси билан биргаликда депротейнланган намунадан олинган органик эритувчилар ёрдамида ўтказилди. Компонентлар идентификацияси ГХ-МС услуги ёрдамида амалга оширилди. Натижалар мкмоль/л нисбатида келтирилди.

Қон зардобида ФҚТВ, ПВ (МНО), стандарт тест-тўпламлардан фойдаланган ҳолда фибриноген миқдори, РФМК – антитромбин III ва плазминоген фаоллиги хромоген услуги ёрдамида аниқланди. Тромбоцитлар миқдори ҳисоби ЭДТА дан олинган капилляр қонда Sysmex КХ-21 гематологик анализаторида ўтказилди. Томирлар эндотелийсининг тизимли фаоллигини баҳолаш учун Виллебранд омилининг плазма концентрацияси «HUMAN» тўплами ёрдамида, ва эндотелин-1 даражаси худди шу фирманинг тест-тўплами ёрдамида аниқланди. Умумий L-гомоцистеиннинг плазмадаги миқдори «HUMAN» фирмаси тўплами ёрдамида иммунофермент таҳлили услуги билан ўтказилди, фибриноген концентрацияси Clauss услуги бўйича аниқланди; фаол қисман трмобопластина вақти (ФҚТВ), Д-димер аниқланди. Гемостаз тромбоцитар бўғини тромбоцитлар агрегацион фаоллигини аниқлаш (гемолизатагрегацион тест) ёрдамида баҳоланди. Тромбоцитлар миқдорининг периферик қондаги назорати қон автоматик ўлчагичида ўтказилди. TFN- $\alpha$  миқдорини баҳолашдан иборат цитокин статуси ROSH фирмасининг «COBAS» иммунофермент анализаторида, «БиоХимМак» (Россия) фирмасининг тест тўплами ёрдамида аниқланди. Прогестерон ва эстрадиол тадқиқоти COBAS-411 (ROSH) анализаторида иммунофермент услубда, худди шу тўпламини қўллаган ҳолда амалга оширилди. Шунингдек, веноз қон зардоби ҳам ўрганилди, у эрта тонгда оч қоринга олинган. Сўлакда гормонлар «Human» (Германия) фирмаси тўплами ёрдамида иммунофермент услуги орқали ташхислаш маркази шифокор-лаборанти билан биргаликда аниқланди. Олинган маълумотларга IBM Pentium-4 компютерида ўрта арифметик (M), ўрта квадрат оғиш ( $\sigma$ ), стандарт хато (m), нисбий катталиклар (частота %) ўлчаган ҳолда, статистик таҳлил амалий дастурлар пакетида статистик ишлов берилди. Ўртача катталикларни қиёслашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришларга

$P < 0,05$  ишончлилик даражаси қабул қилинди. Бунда клиник ва лаборатор тадқиқотлар маълумотларининг статистик ишлов бўйича кўрсатмалари инобатга олинди.

Диссертациянинг «Муддатидан аввалги туғруқ хавфи бўлган текширувдаги ҳомиладор аёлларнинг клиник тавсифи» деб номланган учинчи бобида қиёсий гуруҳ – тезкор туғруқ ўтказилган 400 нафар аёлнинг клиник тавсифи: ёши, тана вазни, бўйи, паритети, бошдан кечирилган касалликлари, соматик патологиялар мавжудлиги, гинекологик касалликлари, акушерлик анамнези, мазкур ҳомиладорликнинг кечиши, туғруқ асоратлари, чақалоқ ҳолатига тегишли маълумотлар кўрсатилган. Кейинги навбатда муддатдан аввалги туғруқ содир бўлган 400 нафар асосий гуруҳ аёлларининг худди шу маълумотлари келтирилган. Тезкор туғруққа нисбатан муддатдан аввалги туғруқнинг ретроспектив яқун маълумотларининг клиник таҳлили бўйича маълум бўлишича, муддатдан аввалги туғруқ хавф омилларига касбий бандлик тури, қайта туғруқлар, ичак микробиотасини бузилиши, қин дисбиози, бошдан кечирилган эндометритлар, ҳамда абортлар, анамнезда муддатдан аввалги туғруқлар, I ва II триместрларда муддатдан аввалги туғруқ хавфи, гипертензив бузилишлар, кесар кесиш ва туғруқдан кейинги йиринг-септик касалликлар киради. Ретроспектив материаллар таҳлили асосида муддатдан аввалги туғруқлар ривожланиши хавфининг янада муҳим омиллари аниқланди, улар муддатдан аввалги туғруқ ривожланиши хавфининг башоратловчи харитаси асосига олинди, бунда Е.Н. Шиган меъёрлаштирилган интенсив кўрсаткичлар (МИК) услуги қўлланди, мазкур услуб Байес эҳтимол услуги асосида қурилган, шунингдек, анамнез, клиник симптоматика бўйича башорат матрицаси ишлаб чиқилди. Ҳомиладорликнинг муддатидан аввал бошланишининг 13 хавф омиллари ажратилди (1-жадвал).

Башоратловчи матрица муддатдан аввалги туғруқ ривожланишининг хавф омилларини башоратлаш учун барча аниқланган маълумотлардан иборат бўлади, уларни градацияси ва алоҳида омиллар ( $X$ ) таъсир кучидан хавфнинг интеграцияланган кўрсаткичи, ҳар бир омил бўйича нисбий хавф кўрсаткичи ( $R$ ) ва уларнинг омиллар комплекси бўйича йиғиндиси ( $RN$ ), ҳамда бутун тадқиқот ( $N$ ) маълумотларига кўра, меъёрлаштирувчи катталиқ – муддатдан аввалги туғруқ частотасининг ўртача кўрсаткичи ўлчамлари киритилади. Биз томонимиздан хавфнинг эҳтимолий тавофути ( $18,4 \div 48,9$ ), ҳамда ним тавофутлар ажратилди. Умуман олганда, хавфнинг бутун тавофутини учга ажратган маъқул: суст ( $18,4 \div 28,6$ ), ўрта ( $28,7 \div 38,9$ ) ва оғир ( $40,0 \div 48,9$ ) МаТ ривожланиши хавф эҳтимоллари. Шу тариқа, яқуний башорат коэффицентлари ва патология ривожланиши хавф гуруҳларининг чегаравий кўрсаткичлари аниқланди.

Турли хавф омиллари бўлган ҳомиладорларни ажратиш хавф гуруҳлари текширувларининг янада чуқур индивидуаллаш ва ҳомиладорликни узайтириш учун профилактик чора-тадбирларнинг патогенетик комплексини ишлаб чиқиш имконини берди.

**Муддатдан аввалги туғруқ ривожланиш хавфини комплекс  
баҳолаш учун башоратловчи харита**

		%	МИК	R	X		
						мин	Мах
Ичак микробиотасиани бузилиши	бор	79,8	1,595	3,94	1,60	1,60	6,28
	йўқ	20,3	0,405		6,28		
Сурункали пиелонефрит	бор	73,5	1,47	2,70	1,46	1,46	3,95
	йўқ	26,5	0,53		3,95		
Камқонлик	бор	77,0	1,54	3,35	1,54	1,54	5,17
	йўқ	23,0	0,46		5,17		
Семизлик	бор	58,0	1,16	1,38	1,16	1,16	1,60
	йўқ	42,0	0,84		1,60		
Сурункали тонзиллит	бор	74,5	1,49	2,92	1,49	1,40	3,22
	йўқ	25,5	0,51		4,35		
Анамнезида муддатдан аввалги туғруқ 1 ва ундан ортик	бор	69,8	1,40	2,31	1,40	1,40	3,22
	йўқ	30,3	0,61		3,22		
Ўз ўзидан бола тушиши	бор	74,5	1,49	2,92	1,49	1,49	4,35
	йўқ	25,5	0,51		4,35		
Сурункали эндометритлар	бор	67,0	1,34	2,03	1,34	1,34	2,72
	йўқ	33,0	0,66		2,72		
Ҳомиладорликнинг ривожланмай қолиши	бор	73,0	1,46	2,70	1,46	1,46	3,95
	йўқ	27,0	0,54		3,95		
Абортлар	бор	74,5	1,49	2,92	1,49	1,49	4,35
	йўқ	25,5	0,51		4,35		
Бачадонда чандиқ	бор	73,5	1,47	2,77	1,47	1,47	4,08
	йўқ	26,5	0,53		4,08		
Гипертензив бузилишлар	бор	71,8	1,44	2,54	1,44	1,44	3,65
	йўқ	28,3	0,57		3,65		
Қин дисбиози	бор	78,5	1,57	3,65	1,57	1,57	5,73
	йўқ	21,5	0,43		5,73		

Афсуски, анамнестик маълумотлар ва клиник аломатлар ҳар доим ҳам муддатдан аввалги туғруқни ўз вақтида башоратламайди. Буларнинг барчаси муаммони ҳар томонлама ўрганиш, башоратлашнинг янги ёндашувларини


излаш заруратини тақозо қилади. Адабиет манбаларнинг таҳлилига кўра, муддатдан аввалги туғруқни кўп омилли синдром деб баҳолаш мумкин. Аксарият муаллифларнинг фикрича, туғруқ муддатдан аввал бошланишига олиб келадиган аниқ сабабларни ўрганиш якунига етмаган, бироқ, мазкур синдромнинг юзага келишида тўрт асосий патогенетик йўналиш ажратилган: она ва/ёки ҳомила стресси, децидуал тўқима яллиғланиши, амнионе ёки хорионе, йўлдош ёки децидуал қон кетиши ва бачадоннинг механик чўзилиши. Муддатдан аввалги туғруқнинг полиэтиологиклигини инобатга олиб, хавф гуруҳи бемор аёлларини ягона текширув фарқлаб беришининг эҳтимоли кичик. Демак, муддатдан аввалги туғруқ хавфининг клиник омиллари ва ташхислашнинг биомаркерларини уйғунлаштирадиган алгоритм ишлаб чиқилиши зарур. Юқорида айтилганлар биомаркерларни излаш ва улар орасида муддатидан аввалги туғруқнинг аниқ предикторларини аниқлаш учун замин яратди.

Диссертациянинг «Муддатидан аввалги туғруқни башоратлаш ва ташхислашга патогенетик ёндашувлар» деб номланган тўртинчи бобида ичак ва қин микробиотасининг муддатидан аввалги туғруқ ривожланишидаги аҳамияти тавсифланган. Қин ва ичак микрофлорасининг бактериологик тадқиқотлари муддатидан аввалги туғруқ хавфи бўлган 60 нафар ҳомиладор аёллар текширилди. Умумий 3 гуруҳ: суст, ўрта ва юқори хавф бўлган 20 нафар аёлдан иборат бўлди. Назорат гуруҳи деярли соғлом 20 нафар ҳомиладор аёлдан ташкил топди. Бактериологик тадқиқот натижаларига кўра, текширувдаги муддатидан аввалги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда ичак дисбиози мавжудлиги кўрсатди, бунда лакто- ва бифидобактериялар ( $p < 0,05$ ) миқдори ишончли пасайиши, энтерококклар ва клебсиеллалар ( $p < 0,05$ ) миқдори кўпайиши кузатилган.

Қин микробиотасининг бактериологик экиш натижалари таҳлили бўйича турли хавф даражаларидаги ҳомиладор аёлларда аниқ фарқлар аниқланмаганлиги маълум бўлди. Қин ажралмалари текширилганда меъерий флоранинг (лакто- ва бифидобактериялар) пасайгани ва шартли патоген флоранинг (эубактериялар, превотеллалар, пептострептококклар) аҳамиятли ўсиши аниқланган. Ҳозирги кунда аксарият ҳомиладор аёлларда айрим озик-овқат турларига юқори сезувчанлиги аниқланган. Демак, 72% дан ортик ҳолларда уйғун псевдоаллергик патология хазм қилиш аъзоларини зарарланиши (дисбактериоз) билан боғлиқ бўлиб, озуқанинг чала парчаланган ҳолда сўрилишига, озик-овқатларга гиперсезувчанлик шаклланишига олиб келади. Биз томонимиздан псевдоаллергик ҳолат гистаминни парчаловчи диаминооксидаза (ДАО) ферменти танқислиги фонида организмга гистамин кўп миқдорда тушиши ёки ичак йўлида гистамин ҳосил бўлиши оқибатида гистамин моддасининг қонда 1,6 мартага ошиб кетишига сабаб бўлиши аниқланди (1-расм).

Биз томонимиздан ДАО фаоллигининг физиологик кечаётган ҳомиладорларнинг  $9,78 \pm 0,76$  МЕ/мл кўрсаткичга нисбатан  $5,08 \pm 0,42$  МЕ/мл гача ишончли пасайиши аниқланган ( $P < 0,05$ ).






**1-расм. Гистамин, ДАО, sP-селектин, sVCAM-1 ва неоптериннинг муддатдан аввалги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёллар қон зардобидаги миқдори**

Аниқланишича, гистаминоз фонидаги сохтааллергик ҳолат эндотоксинемияга олиб келади, бунда муддатидан аввалги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладорлар ноадаптив ва адаптив иммунитет назорат кўрсаткичларининг 2 баробарига ошган фонида қонидаги, LPS миқдори контрол гурпуага нисбатан 18 мартага ошгани кузатилган. Церулоплазминнинг 2,5 мартага ишончли ошиши белгиланган ( $P < 0,05$ ). Муддатидан аввалги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладорларда LPS юқори кўрсаткичлари LPS боғловчи оксил(LPB) маҳсулининг  $51,08 \pm 4,34$  мкг/мл гача бирмунча ошиши ёндош бўлган, бу кўрсаткич гестацион даври физиологик ҳолда кечаётган ҳомиладорларда  $46,32 \pm 3,78$  мкг/мл ( $P < 0,05$ ) га тенг бўлган. (2-расм)

Иммунологик тадқиқотларнинг натижаларига кўра муддатидан аввалги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладорлар қон зардобида назорат гуруҳи аналогик кўрсаткичларига нисбатан TNF- $\alpha$  миқдори 2 баробарга, IL-1 $\beta$  - 6,2 мартага ( $14,6 \pm 0,87$  пг/мл,  $p < 0,05$ ), IL-6 2,1 мартага ( $4,83 \pm 0,39$  пг/мл  $p < 0,05$ ) ва IL-8 1,6 мартага ( $9,98 \pm 0,63$  пг/мл) ортиши содир бўлган ( $p < 0,05$ ), бу ҳолат тизимли яллиғланиш жавоби кечаётганини кўрсатади. TNF- $\alpha$ , IL-1 $\beta$ , IL-6, IL-8 даражаларининг ошиши системали яллиғланиш мавжудлигини кўрсатади. Биз томонимиздан текшираётган ҳомиладорларнинг клиник ҳолатлари ўртасидаги кучли ижобий корреляцион алоқа мавжудлиги аҳамиятли молик бузилишлар мавжудлигидан дарак беради, бу жараёнлар


давомида яллиғланиш олди цитокинларининг тизим циркуляциясига сингиши содир бўлади, бу эса МАТ патогенезига туртки бўлади.



**2-расм. МАТ хавфи бўлган ҳомиладорлар қон плазмасида липополисахарид (LPS), липополисахаридни боғловчи оксил (LBP), С-реактив оксил (CRO), мембраналар ўтказувчанлигини оширувчи оксил (PAMP) кўрсаткичлари**

Периферик яллиғланиш олди цитокинлари фаоллигининг ошиши ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг паст ажралиши натижасида тизимли гуморал жавобнинг ҳаддан ортиқ стимуляцияси муддатдан аввал туғруқ ривожланишини асосидаги фундаментал механизмлардан бири ҳисобланади. (3-расм)

Муддатдан аввалги туғруқнинг юқори хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда прогестерон концентрациясининг тадқиқотига кўра, унинг сўлак ва қондаги миқдори қиёсий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 6 мартага ( $p < 0,05$ ) ва эстрадиол миқдори 1,7 мартага ( $p < 0,05$ ) пасайгани маълум бўлди. Муддатдан аввалги туғруқнинг юқори хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда прогестероннинг эстрадиолга нисбатан кўрсаткичи кўпроқ маълумот берди, негаки назорат гуруҳининг аналогик кўрсаткичларига нисбатан 11 мартага паст бўлган, демак сўлакда прогестероннинг эстрадиолга нисбатан индекси муддатдан аввалги туғруқнинг маркери сифатида қўлланилиши мумкин.



